Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

№ 124 (5415)
2 ИЮНЬ 1984 й.
ШАНБА
Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган.
Баҳоси 3 тийин.

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ТОНГГИ ГАЗЕТАЛАРДА

● 31 май куни КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси К. У. Черненко БКП Марказий Комитети Бош секретари, БХР Давлат Кенгашининг Раиси Т. Живков билан учрашди.

● 31 май куни ўртоқ Тодор Живков Совет раҳбарларига «Георгий Димитров туғилган кунининг 100 йиллиги» юбилей медалларини топширди.

К. У. Черненко, Г. А. Алиев, В. И. Воротников, М. С. Горбачев, В. В. Гришин, А. А. Громико, Г. В. Романов, М. С. Соломенцев, Н. А. Тихонов, Д. Ф. Устинов, П. Н. Демичев, В. И. Долгих, В. В. Кузнецов, Б. Н. Пономарев, В. М. Чебриков, И. В. Капитонов, Е. К. Лигачев, К. В. Русаков, Н. И. Рижков ўртоқларга юбилей медаллари топширилди.

КПСС Марказий Комитети Сиёсий Бюросида

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси навбатдаги мажлисида иқтисодий ва социал ривожланишнинг энг муҳим, истиқболли масалаларини, шу жумладан 2000 йилгача бўлган даврга мўлжалланган асосий йўналишлари қандай амалга оширилаётганлиги тўғрисидаги масалани кўриб чиқди. Мажлисда қайд этиб ўтилганидек, бу ҳужжатда халқ хўжалиги тармоқларини такомиллаштириш борасидаги жамики ишлар, партиянинг бутун ташкилотчилик ва сиёсий фаолияти ана шунга бўйсундирилиши керак.

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси ўртоқ К. У. Черненконинг хулосаларини тўла-тўкис қўллаб-қувватлади ва бу хулосаларни марказда ва жойларда партия, совет ҳамда хўжалик органларининг, жамоат ташкилотларининг аввало ўн биринчи беш йиллиги муваффақиятли тугаллаш ва экономикани ривожлантиришда янги марраларга эришиш учун мустаҳкам негиз яратиш борасидаги амалий фаолиятига асос қилиб олишни зарур деб топди. КПСС Марказий Комитети Секретариатига, СССР Министрлар Советига, СССР Госплани, министрликлар, идоралар ва илмий муассасаларнинг раҳбарларига мамлакатни иқтисодий ва социал ривожлантириш перспектив планини тайёрлаш билан боғлиқ тегишли топшириқлар берилди.

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси совет халқи 1941—1945-йилларда ги Улуғ Ватан урушида қозонган ғалабанинг 40 йиллигига тайёргарлик кўриш тўғрисида қарор қабул қилди. Бу қарорда партия, совет, касаба союз, комсомол ташкилотлари ва бошқа ташкилотларнинг совет кишилари меҳнат ғайрати ҳамда сиёсий активлигини кучайтиришга, Улуғ Ғалаба шарафига социалистик мусобақани авж олдиришга, уруш ва меҳнат ветеранлари тўғрисида ғамхўрликни оширишга, аҳоли ўртасида тарбиявий ишларни такомиллаштиришга қаратилган фаолиятни ривожлантиришга доир тадбирлар комплекси белгиланган.

Сиёсий бюро КПСС Марказий Комитети 1984 йил апрель Пленуми қарорлари амалга оширилиши муносабати билан ҳар йил 1 сентябрда умумхалқ байрами — Билим кунини ўтказиш тартиби тўғрисида ишлаб чиқилган таклифларни қўллаб-қувватлади. Шу куни ҳамма жойда ўқув йилининг бошланишига, мамлакатимизнинг маориф, фан ва маданият соҳасида эришган ютуқларини пропаганда қилишга бағишланган, жамиятни иқтисодий, социал ва маънавий жиҳатдан тараққий эттиришда билимнинг муҳим ролини, Ленинниинг ёшларга коммунизмни ўрганингиз деган васиятининг зўр ҳаётий кучини кўрсатиб берувчи ижтимоий-сиёсий тадбирларни ўтказиш мақсадга мувофиқ деб топилди. Байрамда партия ветеранлари, уруш ва меҳнат ветеранлари, ҳалқ маорифи ходимлари, ишлаб чиқариш илғорлари ва новаторлари фаол иштирок этишлари назарда тутилади. Меҳнат коллективларида Билим куни олдидан ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда муваффақиятли ўқиётган ишчилар ва хизматчилар, мактабларда, ҳунар-техника билим юртларида ва ишлаб чиқаришда катта ишлар олиб бораётган мураббийларни рағбатлантириш тавсия этилди.

КПСС Марказий Комитетининг Сиёсий бюроси илғор технологик жараёнлар ва асосан ўзгартириладиган комплекслар асосида машинасозлик ишлаб чиқаришини автоматлаштиришни жадаллаштириш юзасидан СССР Министрлар Совети белгилаган тадбирларни маъқуллади. Бундай тадбирларнинг амалга оширилиши ўн иккинчи беш йилликда юксак механизациялашган корхоналарни ташкил этиш, маҳсулотни жадал янгилаш ҳисобига машинасозлик маҳсулотининг техникавий даражасини ошириш учун экономика самарадорлигининг асосий кўрсаткичи — ижтимоий меҳнат унумдорлигини янада ўстириш учун зарур шарт-шароитни таъминлаш имконини беради.

Сиёсий бюро совет раҳбарларининг Корея Меҳнат партияси Марказий Комитети Бош секретари, КХДР Президенти Ким Ир Сен бошчилигидаги Корея Халқ Демократик Республикасининг партия-давлат делегацияси билан олиб борган музокаралари якунларини муҳокама қилди ва маъқуллади. СССР билан КХДР ўртасидаги дўстлик ва ҳамкорлик муносабатларини ривожлантириш масалалари, шунингдек ҳозирги замоннинг энг муҳим проблемалари юзасидан фикрлашувлар муҳим аҳамиятга эга эканлиги айтиб ўтилди. Ўртоқларча, ишчанлик муҳитида ўтган Совет-Корея музокаралари, шубҳасиз, иккала партия ва мамлакат ўртасида марксизм-ленинизм ва социалистик интернационализм принциплари асосида алоқаларни янада кенгайтиришга, Узоқ Шарқда ва бутун дунёда хавфсизликни таъминлаш учун халқлар олиб бораётган курашга хизмат қилади.

К. У. Черненко, Н. А. Тихонов, В. В. Кузнецов ва Б. Н. Пономарев ўртоқларнинг СССРга визит билан келган Сурия Араб Республикаси вице-президенти Р. Асад билан бўлиб ўтган суҳбатлари маъқулланди.

Сиёсий бюро мажлисида ўртоқ М. С. Соломенцев бошчилигида КПСС Марказий Комитети ҳузуридаги Партия контроли комитети делегациясининг Германия Демократик Республикасига сафари тўғрисидаги ахборот тингланди.

КПСС Марказий Комитетининг Сиёсий бюроси ГФР федерал канцлерининг ўринбосари, ташқи ишлар министри Г.-Д. Геншер билан Москвада олиб борилган музокаралар якунларини кўриб чиқди ва маъқуллади, шунингдек мамлакатимиз ички ҳаётига ва халқаро сиёсатига доир бошқа бир қанча масалаларни муҳокама қилди.

ЗАФАРЛАРИМИЗ — РЕСПУБЛИКА ЮБИЛЕЙИГА

ЭРТАГА — МЕЛИОРАТОРЛАР КУНИ

Гидропресслар жўнатилди

БУГУН

«Госкомсельхоз т е хника»га қарашли Меҳнат Қизил Байроқ орденли тажриба ремонт-механика заводида тайёрланган юксак сифатли гидропресслар-нинг навбатдаги катта туркуми республикамизнинг Сирдарё, Қашқадарё синғари областларига жўнатилди. Корхона коллективи йил бошидан бери ўтган беш ой муддат давомида 1700 дан ортиқ гидропрессни чўлқувар-ларга етказиб беришга муваффақ бўлди. Бу маҳсулот Мирзачўл, Қарши чўли ҳамда Сурхон-Шеробод саҳ-роларини ўзлаштиришда мелиорация иншоотларида ишлатилади.

Завод фидокорлари серқуёш диёримизнинг шонли 60 йиллик юбилейи йилида янада ғайрат кўрсатиб меҳнат қилишмоқда. Улар йил охиригача 400 минг дона мустаҳкам гидропрессларни қўриқ ерлардаги сув иншоотлари қурилишларига етказиб беришга аҳд қилишган.

Корхонанинг гидропресслар ишлаб чиқариш цехи коллективи юбилей шарафига бағишланган социалистик мусобақада, айниқса пешқадамлик қилишмоқда. Бу ерда кўплаб ўз ишининг усталари меҳнат қилади. Х. Талхидов, Т. Мирзаев, Э. Мирзаев, Н. Писчасев, А. Назаренко, Ю. Яндринский, Х. Расулов сингари тажрибали ишчилар амалга ошираётган ишлар таҳсинга лойиқ бўлмоқда. Юбилей шарафига йиллик план-топшириқлари н и бажариш учун камарбаста бўлиб майдонга чиққан бу жонкуярлар кунига 350 та гидропрессга етгулик деталларни юқори сифат билан тайёрлашга эришмоқдалар.

БУЮРТМАЧИЛАР МАМНУН

Шаҳримиздаги экскаватор заводи машинасозлари республикамиздаги ва иттифоқимиздаги қўриқ ва бўз ерларни ўзлаштиришда фидокорона меҳнат қилиб келаётган чўлқувар-мелиораторлар н и замонавий техника воситалари билан таъминлаш ишига муносиб ҳисса қўшиб келяптилар. Коллектив йил бошидан бери республиканинг шонли юбилейи шарафига бошланган социалистик мусобақага қўшилиб, маҳсулот реализация қилиш бўйича белгиланган топшириқларни муваффақиятли адо этяпти. Бу ерда йил бошидан бери иттифоқимиздаги ва чет эллардаги буюртмачилар учун 650 тага яқин юқори сифатли экскаватор тайёрлаб, жўнатилди.

Корхонада республика юбилейини муносиб кутиб олиш учун давом этаётган социалистик мусобақада Александр Замчалов бошлиқ слесарь-йиғувчилар бригадаси барчага намуна бўляпти. 1981 йилдан бери ягона нарядда ишлаётган бу бригадада кейинги пайтда ҳар бир ишчининг топширилган иш учун масъулияти, меҳнат унумдорлиги ортди. Бригада ишчилари КПСС Марказий Комитетининг декабрь (1983 йил) ва февраль (1984 йил) Пленумлари қарорларига жавобан меҳнат унумдорлигини 1 процент ўстириш, маҳсулот таннархини 0,5 процент арзонлаштириш учун курашяпти.

МУСОБАҚА АСОСИДА

«Главташпассав т о-транс» бошқармасига қарашли 2-маршрутли такси корхонаси коллективи ишни мусобақа асосида ташкил этиб, тўрт ойлик планни муддатидан илгари бажарди. Йўловчиларга намунали хизмат кўрсатиш шиори корхонада кенг тус олган. Ҳозир ҳар куни шаҳар йўловчиларига ўттизта маршрутда қулай автобуслар чиқарилмоқда.

БУГУН

корхонага Ригада иш-лаб чиқарилган «РАФ—2203» маркали қулай машиналардан қирқ иккитаси келтирилди. Ҳадемай, бу машиналар ҳамшаҳарларимиз хизматига чиқарилади.

Йил бошидан бери Олой бозоридан Қорақамиш массивига қатнайдиган янги экспериментал маршрут очилди. Яқин кунларда «Москва» меҳмонхонасидан янги ТошМИГа қатнайдиган яна бир маршрут йўловчиларга хизмат кўрсата бошлайди.

НОЁБ ИНШООТ УЧУН

Қуёш тўсқич мосламалар заводи коллективи республикамиз учун қутлуғ саналган йилда салкам 7 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқаришга, меҳнат унумдорлигини эса планга қўшимча равишда камида бир процент оширишни таъминлашга бел боғлаган.

Коллектив йил бошидан бери 60 минг квадрат метрга яқин қуёш тўсқич мосламалар тайёрлашга эришди. Бу пландагидан саккиз минг квадрат метр кўпдир. Ана шу маҳсулотнинг 45 минг квадрат метри фахрли беш қирралн белги билан муҳрланган дир.

Корхонада шунингдек, юксак сифатли бадиий паркет ишлаб чиқариш ҳам кенг йўлга қўйилган. Шаҳримиздаги кўпгина диққатга сазовор иморатларнинг зал ва коридорларини ана шу паркетлар безаб турибди. Завод ишчилари ҳозирги кунда ноёб иншоот — Тошкент радио-телевизион минораси қурувчиларининг буюртмасини бажаришмоқда.

БАХТИЁР БЎЛИНГ, БОЛАЛАР!

1 июнь куни Ўзбекистоннинг шаҳарлари ва қишлоқларида болаларни ҳимоя қилиш Халқаро кунига бағишланган йиғилишлар ва митинглар бўлиб ўтди. «Тинч келажакни таъминлайлик!», «Йўқолсин уруш!» деган шиорлар остида ўтган шу йиғилиш ва митинглар-нинг қатнашчилари ер юзида тинчликни мустаҳкамлаш учун, болалар соғлом, ҳар томонлама баркамол ўстирилиши учун курашаётган планетанинг барча тараққийпарвар кишилари билан қизғин бирдамлик изҳор этдилар.

Тошкент жамоатчилиги вакилларининг йиғилиши шонли санага бағишланган тантанали мажлисда сўзга чиққан кишилар оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, ҳар бир боланинг уйғун камол топиши учун ҳамма шароитларни яратиш тўғрисида тинмай ғамхўрлик қилаётганликлари учун Коммунистик партия билан Совет ҳукуматига самимий миннатдорчилик изҳор этдилар.

Советлар мамлакати ялпи хавфсизликни мустаҳкамлашга, қуролланиш пойгасини тугатиш учун курашга кўшаётган катта ҳиссе учтириб ўтилди.

Шу куни минглаб кишилар парклар ва маданият саройларида очилган болалар бадиий ва техника ижодиёти выставкаларини бориб кўрдилар.

[ЎзТАГ].

ЎЗБЕКИСТОН ДЕЛЕГАЦИЯСИНИНГ ВИЗИТИ

Халқ Республикасининг Президенти С. Машел бу ерда Ўзбекистон партия ходимлари делегациясига бошчилик қилаётган Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари Р. Ҳ. Абдуллаевани қабул қилди. Бўлиб ўтган суҳбат чоғида Мозамбик раҳбари КПСС билан ФРЕЛИМО партияси ўртасидаги алоқаларни янада ривожлантириш, шунингдек СССР билан МХР ўртасидаги ҳамкорликни ҳар томонлама кенгайтириш зарурлигини айтди.

БУГУН ТОШКЕНТДАГИ САНЪАТ САРОЙИДА ОСИЁ, АФРИКА ВА ЛОТИН АМЕРИКАСИ МАМЛАКАТЛАРИ VIII ХАЛҚАРО ТОШКЕНТ КИНОФЕСТИВАЛИ ТАНТАНАЛИ РАВИШДА ЁПИЛАДИ

«ЯНА КЎРИШГУНЧА ХАЙР, ҚАДРДОН ТОШКЕНТ!»—

ДЕЙИШМОҚДА КИНОАНЖУМАН ҚАТНАШЧИЛАРИ ВА МЕҲМОНЛАРИ

СЎЗ—ФЕСТИВАЛЬ ҚАТНАШЧИЛАРИГА

Таассуротлар ғоят фойдали

ЖАМЕТДИН,
режиссёр, Уганда.



— Биз Тошкент кинофестивалида дастлабки асарларини яратаётган кинематографчилар ичида катта диққат-эътибор кўрсатилганини гувоҳи бўлдик. Фестивалда меҳмон сифатида иштирок этган ҳар бир ёш ижодкорга ҳалқаро кино намоёндалари учун ҳамма шароитлар яратиб берилганини ҳам кўрдик. Кино бозорига тавсия этилган фильмларни томоша қилиб, мамлакатимизда кўрсатиш учун танлаб олдик.

Фестиваль экранида намойиш этилган Куба, Мексика, Япония, Ҳиндистон ва СССР кинематографчилари яратган картиналар бизда жуда катта таассурот қолдирди.

Мен дўстлик ва ҳамкорлик, ижодий ҳамкорлик анжумани бўлган фестиваль қатнашчилари билан, бизни саховат билан кутиб олган гўзал Тошкент билан хайрлашар эканман, навбатдаги учрашувларимиз бундан ҳам самарали бўлишига аминман.

Тинчлик овози ғалаба қилади



Малик ҚАЮМОВ,
СССР халқ артисти, Ўзбекистон кинематографчилар союзи правленнесининг биринчи секретари.

— Ўн кун мобайнида Ўзбекистон пойтахти дўстлик байрами, ажойиб учрашувларнинг гувоҳи бўлди. Навбатдаги Ҳалқаро киноанжуманимизга йиғилган жаҳон кино санъати намояндалари ўзларининг анъанавий учрашувларини, ижодий мулоқотларини ғоят баланд руҳда ўтказдилар. «Тинчлик, социал тараққиёт ва халқлар озодлиги учун курашда кинонинг роли» деган мавзуда ўтган мунозара қатнашчилари кино санъатини инсоннят олдида турган муҳим вазифаларга хизмат қилдиришнинг янги-янги масалаларини кун тартибига қўйдилар.

Фестиваль қатнашчилари Ўзбекистон пойтахти ва қадимий Самарқанднинг диққатга сазовор жойлари билан танишдилар, меҳнат коллективларида, колхоз ва совхозларда, ижодий союзларда қабул қилиндилар. «Ўзбекфильм» киностудиясида ўтказилган совет кинематографчилари билан учрашув ҳам меҳмонларимизда катта таассурот қолдирди.

Бизнинг ўзбек кинематографчилари м и з ҳам фестиваль экранида иккита бадиий, кўпгина ҳужжатли ва қисқа метражли фильмларни намойиш этишди. Режиссёр Элёр Эшмуҳамедовнинг «Даҳонинг ёшлиги», шунингдек таниқли режиссёр Латиф Файзиевнинг ҳинд экран усталари билан ҳамкорликда яратган «Севги афсонаси» фильмлари фестиваль иштирокчиларига манзур бўлганлигини катта қувонч билан таъкидламоқчиман.

Тошкент кино байрамининг тинчлик ва тараққиёт, халқлар озодлиги ва дўстлиги йўлида олиб борган бу галги олижаноб миссияси ҳам фестивалларимиз тарихида ўзининг ёрқин саҳифасига эга бўлиб қолади. Бу ердан таралган тинчлик овози албатта ғалаба қилади. Биз бугун Тошкент анжуманини ўзлари учун ижодий мактаб деб билган экран усталари билан хайрлашар эканмиз, уларнинг барча эзгу ишларида катта муваффақиятлар, ижодий парвозлар тилаймиз. Тошкент заминида яна учрашгунча хайр, кино намояндалари.



Режаларимиз улкан

Хосе КОРРАЛЬ,
кинооператор, Эквадор.



— Биз Лотин Америка кинематографчилари Ўзбекистон пойтахтида ўтган Халқаро кино байрамининг ажойиб таассуротлари билан ватанимизга қайтиб кетяпмиз. Бу ердаги ижодий учрашувлар-нинг таассуротлари шунчалик улкан ва теранки, улар ҳеч қачон унутилмайди. Ажойиб анжуманда муштарак мақсадли кино ижодкорлари бир-бирлари билан ижодий ҳамкорликка киришдилар. Бу ерда эришилган тинчлик ва тараққиёт ҳақидаги санъатнинг ҳақиқий ғоялари ва ғояларини ифодаловчи янги йўлларини кўрсатдилар. Мен ҳам кинофестивалнинг ташкилотчилари, Лотин Америкаси мамлакатларидан келган экран усталари учун Тошкент кино байрами янги ижодий уфқлар очмоқда. Бу ерда мустақиллик, озодлик ва тенглик учун кураш олиб бораётган Лотин Америкаси кино намояндалари ўз кучларини умумий кураш йўлида бирлаштириш тўғрисида келишиб олдилар.

Эквадор кино усталарининг фестиваль экранида намойиш этилган «Она замин» номли ҳужжатли картинасида табиатни муҳофаза қилиш, экология муаммолари кўтарилган. Табиатни асраш билан боғлиқ масалалар бугунги кунда инсониятнинг энг долзарб проблемаларидан бири бўлиб қолди. Кино санъатн бу борада ўз сўзини айтиши, табиатга ғайри қонуний муносабатда бўлаётганларга нисбатан муросасиз бўлиши лозим.

Биз бугун Тошкент билан, фестивалда танишган дўстларимиз билан хайрлашяпмиз. Бу ерда туғилган ижодий режаларимизни келгуси фестивалга қадар амалга оширамиз. Янги картиналаримизни ҳам Тошкент фестивалларига тавсия этамиз.

БУ КУНЛАР УНУТИЛМАЙДИ

Тошкент кинофестивали ўтган ажойиб ўн кун хотиралари анжуман қатнашчилари ва меҳмонлари ёдидан асло чиқмайди. Бу кунларнинг ҳар бирн янги учрашувлар, бошқа мамлакатларнинг кинематографчилари ва қуёшли Ўзбекистоннинг ноёб ёдгорликлари билан танишувларга бой бўлди.

Фестиваль шаҳридан ўз ватанларига йўл олаётган меҳмонларимиз «Яна учрашгунча хайр, қадрдон Тошкент!» деяпшмоқда. Чунки икки йилдан кейин уларни бу ерда яна дўстлар, ҳамкасблар даврасн кутади.

СУРАТЛАРДА: кинофестиваль қатнашчилари Тошкентда.

Т. Каримов фотолари.



ШУ КУННИНГ НАФАСИ

Бугун Тошкентда:

Ўзбекистон ССР Халқ хўжалиги ютуқлари выставкасида мелираторлар кунига бағишлаб республиканинг етакчи мутахассислари билан учрашув ўтказилди. Унда меҳнат ветеранлари, ишлаб чиқариш илғорлари, қишлоқ хўжалиги ўқув юртлари студентлари қатнашдилар. Йиғилганлар республикада ирригация ва мелиорация тараққиёти ишлари билан танишдилар.

●

Шаҳримиздаги Ленин комсомоли, Горький, Тельман номли маданият ва истироҳат боғларида партия ва ҳукуматимизнинг олиб бораётган доно сиёсатини акс эттирувчи сиёсий плакатлар кўргазмалари ташкил этилди.

●

«Ўзбекистон комсомоли 40 йиллиги» номидаги маданият ва истироҳат боғида «Ер курраснин болаларга берайлик» деган катта байрам бўлиб ўтади.

●

Пойтахтнинг олтита китоб магазин-клубларида Бутуниттифоқ клублар куни ўтмоқда. Уларда китобхонлар конференцилари, шоир ва ёзувчилар, полиграфчилар билан учрашувлар ўтказилади. Шаҳардаги энг йирик «Полиграфист» китоб магазин-клубида эса «Китоб — тинчлик учун курашда» шиори остида китобхонлар конференцияси ўтказилади. Бугунги кунда республикамизда 500 га яқин китобсеварлар клуби, 1700 дан ортиқ жамоатчилик асосида ишловчи кутубхоналар, 2150 дан ортиқ китоб магазинлари ва дўконлари ишлаб турибди.

ОБ-ҲАВО

● Бугун эрталаб соат 11 да Тошкентда 21 даража иссиқ бўлди. Шу кеча-кундуз да ҳавонинг бироз булутли бўлиши, ёғингарчилин бўлмаслиги кутилади. Кечаси 15—20, кундузи 29—34 даража иссиқ бўлади.

ФУТБОЛ

СОВЕТ ФУТБОЛЧИЛАРИ ФИНАЛДА

Кеча Москвада ўсмирлар ўртасида футбол бўйича Европа чемпионатининг ярим финал учрашувлари бўлиб ўтди. Ирландия командасини 2:1 ҳисобида мағлубиятга учратган совет футболчилари эртага ҳал қилувчи матчда Венгрия терма командаси билан куч синашади. Венгриялик ўсмирлар кеча польшалик тенгдошлари устидан 2:0 ҳисобида ғалаба қозондилар.

● ИДЕОЛОГИЯ ФРОНТИ ЖАНГЧИЛАРИ

Лектор ва мураббий

Тингловчиларнинг диққат-эътибори минбарда сўзлаётган лекторда. Бугунги суҳбат ҳар куни радио ва телевизорда эшитиб, газетада ўқиган таниш мавзуда бўлса ҳам кўпчилик лекторнинг ҳар бир сўзини диққат билан тингларди. Тингловчиларнинг баъзилари ўзларига тегишли рақам ва янгиликларни блокнотларига белгилаб боришарди..

Бунинг сабаби бор. Лектор Раҳим Тўлаганов изланувчанлиги, билим доирасининг кенглиги билан тингловчиларнинг қалбидан жой олган. Кўп йиллик тажриба, суҳбат мавзуси устида кўп ўқиб, изланиш зое кетмади: у бугун ҳам тингловчиларнинг олқишига сазовор бўлди.

Ёшлигида қийинчиликларни бошидан кечирган, билимга чанқоқ бўлиб ўсган йигитнинг орзуси ушалди. У тиришқоқлиги, меҳнатсеварлиги натижасида эзгу мақсадига эришди. Педагогика институтини тамомлаб, ўқитувчилик қилди. Ҳали-ҳали эсида. Олган билимини ўқувчилар онгига сингдириш осон эмас экан. Буни сезган ёш ўқитувчи ҳар бир дарсни қизиқарли ва мазмунли ўтишга ҳаракат қилди. Ўқиб-ўрганди, илғорлар тажрибаси унга кўп нарса берди.

Бу — дарс бериш санъатининг дебочаси эди. Оила — тарбия ўчоғи. Яхшилик ва ёмонлик, одоб ва ахлоқ, меҳр ва муҳаббат оиладан бошланади. Ўқувчиларнинг ота-онаси, оила шароити билан танишишни ўз бурчи деб билган Раҳим Тўлаганов ота-оналар ўртасида, маҳалла комитетларида инсонпарварлик, коммунистик ахлоқ, атеистик тарбия мавзуларида лекция ва суҳбатлар ўтказди. Ҳамиша изланиш унга иззат-икром келтирди! Ўқитувчилик билан лекторлик фаолиятини бирга қўшиб олиб борган Раҳим Тўлаганов районда ҳам танилди.

— Лектор — партиянинг актив тарғиботчиси. Шунинг учун ҳам унинг зиммасига оммани тарбиялашдек шарафли ва масъулиятли вазифа юклатилган. Мен бу шарафли вазифани бажаришга ҳаракат қилаяпман, — дейди лектор биз билан суҳбатда. Унинг иш столида «Правда», «Известия», «Учительская газета», «Тошкент оқшоми», «Ўқитувчилар газетаси» газеталари, «Слова лектора», «Наука и религия», «Агитатор», «Коммунист» журналлари, Бутуниттифоқ «Билим» жамиятининг «Этика», Педагогика ва психология» серияларидаги нашрлар бор. Бу газета ва журналларни ўқитувчи ва штатсиз лекторнинг кундалик ўқув қуроллари дейиш мумкин.

Ота-оналар лекторийсида Раҳим ака ўқиган «КПСС Марказий Комитетининг апрель (1984 йил) Пленуми қарорларини ҳаётга тадбиқ этайлик!», «Оилада бола тарбияси», «Ўқувчиларга эстетик тарбия беришда мактаб ва оиланинг роли», «Дин—афъюн» мавзуларида ўқиган лекциялари тингловчилар, ота-оналар ва мактаб ўқувчиларига манзур бўлди.

У Ҳамза районидаги Улуғбек номли 230-ўрта мактабда ўн йилдан буён ёш авлодга таълим-тарбия бериб келаётир. Кўп йиллардан буён эса аҳолн ўртасида партия ва ҳукуматимизнинг қарорларини, фантехника ютуқларини тарғибот қилиб келмоқда.

230-мактаб «Билим» жамияти ташкилотининг раиси, пропагандист, кекса коммунист, меҳнат ветерани Раҳим Тўлаганов яқинда Бутуниттифоқ «Билим» жамиятининг нишони билан тақдирланди. Биз лекторлик ишини шарафли вазифа деб билган пенсионер, тинниб-тинчимас Раҳим Тўлаганов сингари жонкуяр идеология ходимлари билан фахрланамиз.

Қ. ТЎЛАБОЕВ.

Фотоахборот





Шаҳримиздаги кўн-галантерея ва спорт буюмларн ишлаб чиқариш бирлашмаси тикувчилари республикамизнинг шонли 60 йиллик юбилейнн улкан марраларни забт этиш билан қаршн олишга бел боғлашган. Корхона фидокорларн меҳнат унумдорлигини пландан ташқарн 1 процент оширнш учун курашишмоқда.

СУРАТЛАРДА: (чапда) ана шу корхонанинг илғор комсомол ёшларидан Барно Нуралиева ўзига биркитилган топшириқни 110 процентдан ошириб адо этмоқда. Ўнгдаги суратда корхона эксперментал цехининг меҳнат ветеранлари, коммунистик меҳнат зарбдорлари Назира Бекмурзина ҳамда Просковья Сафоновалар тайёр маҳсулотнн кўздан кечиришмоқда.

Х. Мирзакаримов фотолари.

Янгилик! Хабарингиз борми?

ТЕМИР ЙЎЛ — ЁЗГИ ГРАФИКДА

Темирйўлчилар беш йилликнинг тўртинчи йилида ўз ишларини сабот билан такомиллаштирнб, кўпгина муҳим йўналишларда сезиларли яхши ўзгаришларга эришдилар. Ҳозир улар долзарб ёзги даврда поездлар ҳаракатининг аниқ маромини таъминлашлари лозим. Шу боисдан ҳам 3 июндан бошлаб мамлакатнинг ҳамма йўлларида поездлар қатновининг янги графиги жорий этилмоқда.

— Поездлар қатновининг янги графиги қандай конкрет вазифаларни ҳал этиши лозим? — ТАСС мухбирлари СССР Йўллар министрининг ўринбосари В. Н. БУТКОга ана шундай савол билан мурожаат қилдилар.

— Аввало юк ташиш давлат планининг сўзсиз бажарилишини таъминлаш лозим. Бу йил тармоқ олдига истеъмолчилар учун қарийб тўрт миллиард тонна юк етказиб беришни таъминлаш вазифаси қўйилган.

Вазни ва узунлиги оширилган поездлар хусусида партия Марказий Комитети маъқуллаган Москва темир йўли тажрибасини, Хабаровск—Орехово-Зуево ва Иркутск—Дарница ўртасида ўта узоқ масофаларга қатнайдиган юк экспрессларидан фойдаланиш юзасидан истиқболли экспериментни янада кенг ёйиш учун шарт-шароит яратилди. Бу тажрибанинг ёйилиши ана шу йўналишлардаги станцияларда вагонларга юк ортиш ва тушириш учун бўладиган харажатларни анча камайтириш имконини беради.

Тез бузиладиган маҳсулотларни, масалан, жанубий районлардан саноат марказларига эртапишар сабзавот ва меваларни ташиш учун махсус поездлар тузилмоқда. Умуман жами узунлиги 22,5 минг километр масофада юк составлари вазни нормалари оширилди. Қўш маршрутларда ва анча узун поездларнинг барқарор ишлаши учун темир йўллар ўртасида шундай составларнинг тўсиқсиз қатнови учун алоҳида жадваллар ишлаб чиқилди ва келишиб олинди.

Барча ўта оғир поездлар учун эса ҳаракат графигининг алоҳида вариантлари тузилмоқда. Бунга сабаб шуки, бундай составлар рекорд вазнга етди— уларнинг вазни 30 минг тоннадан ошиб, беш минг километрдан кўпроқ масофага қатнайдиган бўлди. Бу — вазн нормасидан ўн баравар ортиқдир.

Бу йилги ёз мавсумида юк поездлари ҳаракатининг тезлиги мамлакат темир йўлларининг тармоқларида умуман соатига 0,1 километр оширилади.

— Пассажир поездлари жадвалига қандай ўзгаришлар бўлади?

— Биринчидан, тиғиз маршрутларда қўшимча поездлардан фойдаланиш кўзда тутилади. Москва—Тошкент, Свердловск—Обь бўйи, Актюбинск—Қизилўрда ўртасидаги маршрут шулар жумласидандир. Оммавий дам олиш жойларидан одамларни ташишни таъминлаш учун Махачқалъадан Москвагача ва Хмельницкийдан Ленинградгача янги составлар қатнайди. 10 июнга бориб қиш даврдагига нисбатан узоқ масофаларга қатнайдиган поездлар бир ярим баравар кўпайтирилади, август ойида эса уларнинг сони икки баравар ортади.

Киев—Триполье ўртасидаги янги темир йўл линиясининг қурилиши тугаши муносабати билан Киевдан Қрим ва Кавказга борадиган еттита поезднинг маршрути анча қисқа бўлиб қолади. Мамлакатнинг марказий ва шимолий районларидан Кавказга борадиган тўққизта состав пассажирлари учун эса юриш вақти икки соат қисқаради ва бу йўл аввалгидек Армавир орқали эмас, балки Краснодар орқали ўтади. Москва—Тбилиси ўртасида қатнайдиган «Грузия» фирмали поезднинг йўлда қатнаш вақти ҳам шунча камаяди. Свердловск—Сургут ва Тюмень—Сургут ўртасида қатнайдиган составларнинг маршрутлари Ноябрьскгача узайтирилади.

Скорий пассажир поездларининг сони кўпайтирилади. Москва билан Ленинград ўртасида уч жуфт составдан иборат поездлар мунтазам равишда қатнайдиган бўлади. Булар—соатига 200 километр тезликда юрадиган «ЭР—200», соатига 160 километргача тезликда юрадиган «Аврора» ва 13/14 рақамли поездлардир. Бу юк ташиш тиғиз бўлган йўлларда скорий пассажир поездлари ҳаракатини ташкил этиш соҳасида жаҳонда биринчи тажрибадир.

Умуман, юмушимиз етарли. Чунки, мамлакатнинг пўлат магистралларида ёз вақти айниқса қимматлидир. Шу боисдан бир дақиқани ҳам бой бермаслик муҳимдир.

В. БАЛЧ,
П. РЯБОВ.

МУНОСИБ КЎРСАТКИЧ

Ўзаро Иқтисодий Ердам Кенгашига аъзо бўлган мамлакатлар вакилларининг «Пайвандлаш» проблемасига бағишланган саккизинчи йиғилиши Тошкентда бўлиб ўтди. Унда Совет Иттифоқи, ГДР, ЧССР, Югославия, Польша, Руминия, Болгария, Венгрия мамлакатларининг пайвандлаш бўйича етук мутахассислари қатнашдилар. Улар республика пойтахтининг етакчи корхоналаридан бири — «Ташсельмаш» заводида бўлиб, пахта териш машиналарининг рамаларини пайвандлайдиган механизациялашган поток участка ва жинли барабанлар линиясида янгича услубда пайвандлаш ишлари билан қизиқиб танишдилар. Меҳмонлар корхонада пайвандлаш ишларининг 96 процснти тўла механизациялаштирилганлигини ва мамнунлик билан қайд этиб ўтдилар.

— Бу мамлакатимиз бўйича энг юқори кўрсаткичлардан биридир,— деди мухбиримиз билан бўлган суҳбатда делегация бошлиғи, Украина ССР Фанлар академисининг Е. О. Патон номидаги пайвандлаш институти директорининг ўринбосари, академик В. К. Лебедев. — Ўзбек машинасозлари коллективининг ютуғи ғоятда қувонарлидир. Бундай илғор тажрибадан ўрнак олса арзийди.

● *Озиқ-овқат программасининг бўғинлари*

ОРТИҚЧА МАҲСУЛОТ БОЗОРДА СОТИЛАДИ

Наманган областидан колхозчи Тўрабой Хўжаев ўз гилосини Тошкентдаги Олой бозорида атиги бир соат ичида сотиб бўлди. Сирдарё областидан Айитбой Хайитовга ярим тонна янги картошкасини сотиш учун ўшанча вақт талаб қилинди. Улар пештахталар олдида туриб қолмадилар —бу ерда ташкил қилинган савдо хизмати бюроси ёрдамга келди.

Савдо хизмати бюросининг ходимлари колхозчилардан маҳсулотни бозор нархларига нисбатан сал кам нархда кўтара харид қилиб, уни сотишни ўз зиммаларига оладилар. Шу боисдан колхозчилар ўз маҳсулотини сотиш учун ана шу бюрога мурожаат қиладилар, чунки биринчидан, вақт тежалади, иккинчидан маҳсулот топширувчилар учун мўкобил савдо магазини очилгандир. Бу магазинда камёб саноат буюмларини харид қилиш мумкин. Масалан, Б. Хўжаев бутун оиласи учун чит ва чинни идишлар сотиб олди.

Қабул қилинган мева ва сабзавот шу ернинг ўзида янги савдо расталарида, шунингдек мавсумга мослаштириб қурилган махсус павильонда сотилади. Бошқа расталар ҳам очилган бўлиб, бу ерда шаҳар чеккасидаги колхоз ва совхозлар ўз маҳсулотини кўтара савдо базасига олиб бормай, сотадилар.

Республиканинг энг катта бозори реконструкция қилинмоқда ва территорияси кенгайтирилмай ўсмоқда, чунки у шаҳар кварталлари билан ўраб олинган. Ёпиқ гўшт-сут сотиладиган корпус реконструкция қилинди. Қуруқ мева, полиз маҳсулотлари сотиладиган павильонлар қайта қурилмоқда. Бу йилги мўл ҳосилни сотиш учун ҳам шароит яратилди: енгил шийпонлар остида сабзавот билан савдо қиладиган 400 кишига, мўлжалланган қўшимча ўринлар ташкил этилди.

Энди бозорда жами икки ярим мингта савдо ўрни бор. Бу ерда шаҳарликлардан 50— 60 минг киши ҳар куни картошка, бодринг, помидор, гилос, қулупнай ва бошқа маҳсулотлар харид қилиши мумкин. Бу йил Олой бозорида 60 минг тоннага яқин —ўтган йилдагига нисбатан 10 процент кўп сабзавот ва мева сотилади.

— Пойтахтдаги қолган 14 та бозорда ва уларнинг 32 та филиалида ҳам тахминан ўшанча маҳсулот ва мева сотилади, — дейишди Тошкент бозорлари бошқармасида.— Озиқ-овқат программасининг рўёбга чиқарилиши қишлоқ хўжалик маҳсулотларн етиштиришни муттасил кўпайтиришга олиб келмоқда. Ана шу маҳсулотнинг ҳаммаси харид қилиниши учун савдо ўринларини бундан буён ҳам кўпайтириш, бозорларда колхоз ва совхозларнинг «фирма» савдо дўконларини очиш учун улар билан шартномалар тузиш, комиссион йўл билан харид этиш, омборлар ва меҳмонхоналар, янги бозорлар қуриш режалаштирилмоқда. Масалан, шу беш йилликнинг охирида Октябрь районида 2100 та савдо ўрни бўлган Ўрта Осиёда энг катта усти ёпиқ бозор ишга тушади.

(ЎзТАГ).

«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ»ДА БОСИЛГАНДАН КЕЙИН

«ЎЗЛАРИ ҲАМ ҲАЙРОН»

Газетанинг шу йил 17 апрель сонида юқоридаги сарлавҳа остида оқшомхон М. Обидованинг мақоласи босилиб, унда 81-алоқа бўлимидагиларнинг айби билан обуна ўз вақтида олинмаётганлиги айтилган эди. Редакция шаҳар почта алоқаси ишлаб чиқариш техника бошқармасидан жавоб олди.

Мақола Чилонзор район алоқа узелининг диспетчерлар йиғилишида кўриб чиқилди. Почтальон Можаровский касал бўлиб қолганлиги сабабли Дилхуш кўчаси, 37-уйда яшовчи обуначиларга газета ва журналлар ўз вақтида етказиб берилмаган. Ҳозир шу адрес бўйича бошқа почтальон хизмат кўрсатмоқда ва обуналар вақтида олиб бориб берилмоқда.

«УЗИБ ҚЎЙИШДИ»

Газетанинг шу йил 9 апрель сонида юқоридаги сарлавҳа остида мақола берилган эди. Унда газетхон М. Расулова шаҳарлараро телефон станцияси хизматчисининг айби билан Совет Армияси сафида хизмат қилаётган ўғли билан яхши гаплаша олмаганлиги айтилган эди. Редакция шаҳар почта алоқаси ишлаб чиқариш техника бошқармасининг Октябрь район алоқа узелидан жавоб олди.

159-алоқа бўлимида ўтказилган йиғилишда М. Расулова билан яхши муомалада бўлмаганлиги учун телефонистка Т. Куянова огоҳлантирилди. Мақола район алоқа узелининг бўлим бошлиқлари орасида ишлаб чиқилди.

ТЎҒРИ ЁЗИБ ҚЎЙИЛАДИ

Газетанинг шу йил 10 май сонида берилган мақолага редакция шаҳар савдо Бош бошқармасининг бозорлар бошқармасидан жавоб олди. «Марказий бозор» деб нотўғри ёзилган сўз «Марказий бозор» деб тўғри ёзиб қўйилади.

ЕР ОСТИ ГАРАЖИ

«Узавтопроект» институти ходимларининг бир группаси Куйбишев районидаги «1-Қорасув» массивида бунёд этиладиган ер ости гаражининг лойиҳасини ишлаб чиқишди. Шу массивдаги автомобиль ҳаваскорлари учун яхши қулайлик яратиладиган бўлди. Иншоот шу жиҳати билан диққатга сазоворки, у ёзда салқин ва қишда иссиқ бўлади. Ҳар бир боксда машинани енгил ремонтдан чиқариш учун барча қулайликлар яратилади.

Кейинги пайтларда шаҳримизда ер ости автомобиль гаражлари оммалашиб бормоқда. Ҳозиргача бир юз йигирмадан ортиқ лойиҳа ишлаб чиқилди. Уларнинг қарийб ярми ҳаётга жорий қилинган. Бундай гаражларнинг ўзига хос афзаллиги бор. Улар уй-жой массивининг ташқи қиёфасини бузмайди, уларнинг томида эса спорт майдонлари ташкил этиш, кичик павильонлар ва газета киоскаларини ўрнатиш мумкин.

ЖАҲОН ОЙНАСИ

ТАСС ВА АПН МУХБИРЛАРИ ХАБАР ҚИЛАДИЛАР

ЭНЕРГЕТИКЛАР ҲАМКОРЛИГИ

БЕРЛИН. ГДР билан Совет Иттифоқининг бир қанча олий ўқув юртлари ва корхоналари олимлари ҳамда мутахассислари биргаликда ўтказаётган тадқиқотдан кузатилган мақсад электр энергияни олис масофаларга узатишнинг энг самарали усулларини қидириб топишдан иборат.

Қарийб 25 йил муқаддам Г. Матерн номидаги Дрезден трансформатор ва рентген аппаратлари заводининг коллективи М. И. Калинин номидаги Ленинград политехника институтига юқори кучланишли биринчи синов қурилмасини етказиб берган пайтда бу ҳамкорликка асос солинган эди. Ҳозир икала мамлакатнинг мутахассислари энергетика системаларининг ток ўтказиш қобилиятини ошириш ва яқин вақт ичида 1000 киловольтдан ортиқ кучланишли электр энергияни узатиш проблемаларини ҳал этиш билан шуғулланмоқдалар.

КЕНГ МИҚЁСДА МАЪҚУЛЛАНМОҚДА

ПРАГА. ЧКП Марказий Комитети, ЧССР Миллий фронти Марказий Комитети ва ҳукуматининг Чехословакия халқи миллий озодлик кураши тугалланиб, Совет Армияси Чехословакияни озод қилган кунининг 40 йиллиги муносабати билан эълон қилган Мурожаатномасини меҳнаткашлар кенг миқёсда маъқуллаб кутиб олдилар.

«ЧКД-Прага» саноат бирлашмасига кирувчи 30 та заводнинг меҳнат коллективлари мурожаатномага жавобан шу йил учун қўшимча социалистик мажбурият қабул этдилар. Улар меҳнат унумдорлигини яна бир процент оширишга, маҳсулот ишлаб чиқариш планини 30 миллион кроналик миқдорда ошириб бажаришга, 600 тонна ҳар хил металл ва ёнилги-мойлаш материалларини тежашга қарор қилдилар. Фан-техника тараққиёти ютуқларини ишлаб чиқаришга жорий қилишнинг катта программасини амалга ошириш белгиланди. Бирлашма заводлари такомиллаштирилган локомотивлар, дизель моторлари, компрессорлар, трамвайлар ишлаб чиқаради.

ЯҚИН ВА ЎРТА ШАРҚ МАМЛАКАТЛАРИДА

КОБУЛ. АДР қуролли кучларининг Панжширда ва унга туташиб кетган районларда Аҳмадшоҳ Масуд бошлиқ аксилинқилобчи шайқаларни тор-мор қилиш юзасидан яқинда ўтказган муваффақиятли операцияларидан кейин юзлаб деҳқон оилалари ўз хонадонларига қайтиб келиш имкониятига эга бўлдилар. Бандитлар бир вақтлар зўрлик билан тоғларга олиб кетган яна 110 оила Кўхистон уезднинг Сахи қишлоғига— жонажон юртига қайтиб келди. Шу муносабат билан қишлоқда бўлиб ўтган митингда, деб хабар беради Бахтар агентлиги, деҳқонлар бандитларнинг зўравонлигидан озод қилганликлари учун АДР революцион ҳукуматига ва халқ қуролли кучларига чуқур миннатдорчилик изҳор этдилар. Улар АДР революцион ҳокимиятига ёрдам беришга тайёр эканликларини айтдилар.

* * *

АНҚАРА. Туркиянинг саноат корхоналарида ҳар куни 600 га яқин авария ва фалокат рўй бермоқда. Ана шу авария ва фалокатлар натижасида ҳар куни ўрта ҳисобда тўрт нафи ҳалок бўлмоқда. Туркия нафи касаба союзлари «Туркиш» конфедерациясининг ишлаб чиқаришдаги аварнялар ва касб касалликлари проблемалари юзасидан бу ерда тарқатилган докладида шу ҳақда гапирилади. Докладда бундай дейилади: ишлаб чиқаришда рўй бераётган бахтсиз ҳодисалар натижасида ҳар куни тўққиз киши меҳнат қобилиятини йўқотмоқда, бир киши эса касб касаллигига чалинмоқда. Доклад муаллифларн ана шундай аянчли аҳволга катта фойда кетндан қуйиб меҳнат хавфсизлиги нормаларини бузаётган корхона эгалари асосий сабабчидирлар, деб таъкидламоқдалар.

* * *

РАБОТ. Марокашнинг маъмурий ва иқтисодий пойтахтлари —Работ билан Касабланка ўртасидаги поездларнинг тез қатнови катта иқтисодий наф келтирмоқда. Бунга эса темир йўлларни тўла-тўкис реконструкция қилиш ва модернизациялаш, ҳаракатдаги составни анча замонавий состав билан аямаштириш туфайли эришилди. Ана шу лойиҳа устида етти йил давомида иш олиб борилди.

* * *

ҚУВАЙТ. Қўшма Штатлар Форс кўрфази районида ҳарбий интервенция тайёрламоқдалар, деб ёзади Қувайтда чиқадиган газеталардан бири. Вашингтон, деб уқтиради газета, нефтга бой бўлган шу районда ўзининг тўла қўшинларини ўргатиш ва табиий бойликларидан контролни ўз қўлига олиш регионда аралашувни мўлжалламоқда.

Ҳозирги Райн муриятининг Сирияга нисбатан сиёсати шарқона барбод бўлганлиги деб уқтиради Кувайтдаги АҚШ Ўрта Шарқ ишлари бўйича агрессия қўшинлари Форс кўрфазида ҳарбий операцияларини ўтказишни режалаштирмоқда.

* * *

АММОН. Иордания ички бий трибуналининг Иордан дарёсининг ғарбий соҳилидаги ғарбий соҳилдаги ғарбий қисмини ўз ичига олган ғарбий соҳилдаги ғарбий қисмини ўз ичига олган Наблус шаҳрида ҳарбий трибуналнинг ҳарбий трибуналнинг ҳарбий трибуналнинг



Яхшилар ва ёмонлар ҳақида

● Яхши одамнинг чеҳрасида покиза қалби акс этиб туради.

● Яхши кўп жойда ёмонлар чекинади, мағлуб бўлади.

● Яхши одам гулга ўхшайди, сўзи ҳам ширин, ўзи ҳам ширин.

● Яхшидан— имкон, ёмондан—тикон оласан.

НАҚЛ: яхши одам ёмонламас элатини.

НАҚЛ. Яхшига эргашсанг—муродга эрисан, ёмонга эргашсанг—очликдан тиришасан.

● Яхшилар — зумрад, ёмонлар—зулмат.

● Кундуз кетидан тун қувиб етолмаганидек, яхшиларни ёмонлар яниб юради-ю, лекин етолмай доғда қолаверади.

● Яхшиларни авайлаган одам — чинакам одам!

ҲИКОЯТ: Бир донишмандан сўрашди:

— Дунёда яхшилар кўпми, ёмонларми?

— Яхшилар кўп, — деди донишманд хеч иккиланмай,— агар дунёда ёмонлар кўп бўлганда эди, олам остин-устун бўлиб кетарди.

Одамлар яна қизиқиш билан сўрашди:

— Ёмонларни йўқотиб, фақат яхшиларни қолдириш ложми борми?

Донишманд бу саволни эшитиб хаёл суммасига чўмиб қолди:

— Йўқ, ёмонларни айириб ташлаб, фақат яхшиларни олиб қолиб бўлмайди, — деди у ниҳоят. — Мана, фараз қилинг: шакар билан туз аралашиб кетса, уларни бир-биридан ажратиб олиб бўлмайди. Табиат ибтидосидан яхшиларга ёмонлар илашиб қолганки, улардан мангу қутулиб бўлмайди. Улардан сақланишнинг фақат бир чораси бор: ёмонларга яхши юрманг, уларга дуч келганда эса зарба бериб, имкони бўлса яхшилар қаторига чорланг.

● Узини яхши хулқли ҳисоблаб, кўпчиликдан нолиб юрган кимсани яхши одам деманг.

● Ёмонлик қилиб, яхшилик кутган одам— волонидир.

● Худбин ўзини ўйлаб, яхшиларни чоҳга чорлайди ва бу қилмишига пушаймон ҳам емайди.

ҲИКОЯТ: Зумрад хола оқ кўнгил, дилкаш, ширинсухан, мунис-меҳрибон, мулойим табиатли аёл. Ўғли Тоҳиржон феълн-атворда отасига ҳам, онасига ҳам ўхшамайди: доим тажанг, пешонаси тиришган, озиб-тўзиб кетган, жаҳли бурнининг учида туради. Ишхонасидан ғайр бўлиб, тажанг тортиб келади.

Зумрад хола боласига ачиниб, ҳол сўрайди:

— Яхши ишлар келдингми, чарчамадингми, ўғлим?

— Э, шу ишхонамдан тўйдим,— деди у кўл силтаб,— усталар ҳам, ғишт терувчилар ҳам, ҳаммаси аблаҳ!..

— Ие, нега унака дейсан, ўғлим, ўша корхонада ўн йилдан бери ишлайсан-а, нега энди ёмонлайсан?

— Биттасига Туя, биттасига Бўри, яна биттасига Қовоқ деб лақаб қўйгандим, эшитиб қолиб роса урнишди... Ўзинг нимасан, саксовулсан, дейишди... Шунча ишлаб, саксовул бўлдимми?.. Тупурдим ҳаммасига...

— Бу ишинг яхшимас, болам,— деди Зумрад хола насиҳат қилиб,— қарс икки қўлдан чиқади. сен уларга лақаб қўйибсан, улар ҳам ном туришмайди-да... Қачон қарасанг, ишхонангдагиларни ёмонлаб юрасан. Даданг унақа эмас-ку, қирқ йилдан бери бир заводда ишлаб, бирор одамни ёмонлаган эмаслар. Ишхона—пирхона бўлади. Ўша ердан нон-касиба топасан, туз ичасан... Туз ичадиган тузлингингга тупурмагин. Ишхонангдагилар билан ота-боладек, ака-укадек иноқ бўлгин.

● Донолар айтади: ёмон билан айтишма; унинг бехаловат, кунинг бефойда ўтади.

БАЙТ:

Ширинзабон одам дилни гулгун қилур,
Эй воҳки, чағир тош дурни кул-кул қилур.

Момонинг котиби
Тўлқин РАСУЛЕВ.

ЭТРУСКЛАР ҚАЕРДА ЯШАГАН?

Италиялик археологлар антик даврда мавжуд бўлган этрусклар шаҳри Таркунния жойлашган ерда қазиш ишларини амалга оширишди. Маълумки, этрусклар Апеннин ярим ороли-нинг шимолий ва марказий қисмида яшаган. Қазиш ишлари вақтида қалъа девори бўйлаб кетган эски кўчанинг бир қисми очилди. Бу ердан турли-туман уй-рўзғор жиҳозлари, ҳайкалчалар, қурилиш материаллари топилди. Олимлар мазкур топилдиқлар этрусклар-нинг турмуш тарзи ҳамда хўжалик фаолиятини янада ойдинлаштиришга ёрдам беради деб ҳисоблашмоқда.

● АЖОИИБОТЛАР ОЛАМИДА

ПАЛЕОЛИТ ДАВРИНИНГ УЙИ

Музлик даври тугашидан анча олдин — эрамиздан тахминан юз минг йил аввал Фарғона водийсида одам яшай бошлаган. Фарғонадан юз километр наридаги Селунгур ғорини тадқиқ этган ўзбекистонлик олимлар шундай хулосага келдилар: Қадимги одам маконидан топилган бой археологик материаллар кашфиёт қилишга ёрдам берди. Беш юзга яқин ашё ҳамда икки мингтадан кўп ҳайвон суяклари чиқариб олинди.

— Ўзбекистон территориясида илк бор кўл тегмаган маданий қатламларда шундай нарсалар топилди, — дейди Ўзбекистон ССР Фанлар академияси Фарғона комплекс экспедицияси палеолит отряднинг раҳбари, тарих фанлари доктори У. Исломов.— Одатда мустер ва ундан ҳам аввалги ашел даврининг топилган тош қуроллари ер юзидан йиғилар ва бу нарса ибтидоий одам маскани қачон этилганлигини аниқлашда қийинчилик туғдирарди. Бир вақтлар таниқли совет олими академик А. П. Окладников Селунгур ғорига эътиборини жалб қилиб, бу ерга уч марта келган, археологик разведка бошлаган эди. Биз шу ишни охирига етказишга муваффақ бўлдик.

Селунгур ғорини кўп квартирали уйга, ёхуд қатламга ўхшатиш мумкин. Чуқурлиги 120 метрга борадиган каттакон ғорнинг иккита узун коридори бор — бу ерда юздан кўп киши жойлаша олиши мумкин бўлган. Одамлар бу масканни беш марта тарк этишган. Ҳар бирининг қалинлиги қирқ сантиметрга борадиган бешта маданий қатлам ҳеч бир археологик қолдиқлари бўлмаган тоза қатламлар билан ажратилган.

Ғорда ашел даврининг кўпол, оддий бир қанча тош қуроллари сақланиб қолган. Палеонтологлар топилган суяклар айиқ, қоплон, шоқол, каркидон, кийик, эчки, эшак суяклари эканлигини аниқладилар.

Селунгур ғори Ўрта Осиёда одам дастлаб қачон яшай бошлаганлигини тадқиқ этишдек ғоят мураккаб проблемани ҳал этишга тадқиқотчилар янгича ёндошувларига имкон берди.

(ЎзТАГ).

● ҲИКМАТ—БИР ҲОВУЧ ОЛТИН

● КИНОАНЖУМАН НИҲОЯСИГА ЕТМОҚДА

● НОДИР ТОПИЛДИҚЛАР

● АЖОИИБОТЛАР

Шанба оқшоми



Чорлайверсин дўстлик овози

● МУХБИРИМИЗ БИЛАН СУҲБАТДА



«Ўзбекистон» меҳмонхонасининг матбуот зали уч қитъа кино намояндалари, совет ва чет эл журналистлари билан гавжум. Шри Ланка, Жазоир, Япония ва бошқа мамлакатларнинг экран усталари матбуот конференцияси қатнашчиларини қизиқтирган саволларга жавоб беришяпти. Айниқса истеъдодли япон киноактрисаси Юко Наторига савол устига савол ёғилярди. Бу бежиз эмас. У бош ролни ижро этган «Санъат ва муҳаббат» фильми халқаро кино байрами қатнашчиларида жуда катта таассурот қолдирди. Юко Натори фестиваль экранида намойиш этилган режиссёр Садао Накамининг ушбу картинасида машҳур рассомнинг ажойиб образини гавдалантиришга муваффақ бўлган.

— Мен илгари кинода кўп роллар ижро этганман. Томошабинларга манзур бўлган образлар ҳам яратганман, — дейди Юко Натори.— Лекин бундай кенг кўламдаги бош қаҳрамон ролини, айниқса машҳур тарихий шахс ролини биринчи бор ижро этишимга тўғри келди. Ижодий тақдири жуда мураккаб бўлган қаҳрамоним образини яратиш мен каби ёш актёрлар олдига маълум қийинчиликлар ҳам қўярди. Устозлар кўмагида кўп изланишимга тўғри келди...

— Қаҳрамон руҳий оламини ёркин гавдалантиришда нималарга таянгингиз. Балки ўзингиз ҳам рассомликка қизиқарсиз?

— Тўғрисини айтсам ёшлигимдан рассом бўлишни орзу қилардим. Айниқса ўзим образини яратган рассомнинг Японияда машҳур бўлган асарларини кўп бор завқланиб томоша қилганман. Ҳозир ҳам унинг асарлари менга жуда катта шавқ бағишлайди. Студентлик йилларимда ҳам картиналар устида ишлашга уриниб кўрганман. Эҳтимол, ана шу ҳавас бу ролни табиий ижро этишимга кўмак берган-дир.

— Сизни қандай роллар кўпроқ қизиқтиради?

— Менимча қаҳрамонларимнинг ким бўлиши, касби, маслагидан қатъий назар, энг муҳими, у чинакам инсон бўлсин. Инсон ҳаётда адашиши, тақдир зайлига кўра мураккаб шароитларга тушиб қолиши мумкин. Лекин у инсоний қиёфасини ҳар қандай шароитда ҳам сақлаб қолса, одамларга наф етказа олса бундай шахс мен учун доимо қадрли. Бундай қаҳрамонларнинг ролини ҳар доим бажонидил ижро этгим келади.

